



ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ!

ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMLI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

2008-YIL APREL 2 (168) 1993-YIL 21-MART DAN CHIQA BOSHLAGAN

«Ёшларда соглом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёхвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш зарур».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисидаги қароридан

ИЛМИЙ КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИФИЛИШИ

Институт илмий кенгашининг 16 апрель куни бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида институт ҳәётига доир бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, институт ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиги, доцент Э. Эргашев ижро интизомини мустаҳкамлаш ва дастурий хужжатлар билан ишлашин янада такомиллаштириш ҳақида, илмий ишлар проректори, доцент У. Қосимов 2007 йилда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари тўғрисидаги, молия-иқтисод бўйича проректор К. Ўролов бюджетдан ташқари тушумлар бўйича қилинган ишлар тўғрисида маъруза қилдилар. Шунингдек жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультетида “Таълим тўғрисида”ги Конун ва “Кадрлар тайёрлаш милий дастури” асосида мутахассислар тайёрлашнинг ахволи тўғрисидаги масала кўриб чиқдилди.

Маърузалар ва музоқарада сўзга чиқканлар муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўз фикр ва муҳоҳазаларини билдирад эканлар, ишдаги ютуқлар билан бир қаторда айрим нуқсонлар ҳақида ҳам гапидилар, бу нуқсонларни тезда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш зарурлигини уқтиридилар.

Жумладан, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультетида маъруза матнлари ва кафедра жилларини яратши, очик дарслар ва ўзаро дарс тахилларини мунтазам ўтказиб бориши, амалий дарслар самарадорлигига эришиш, ички буйруқлар назоратини кучайтириш, талабалар давоматига эътиборни қаратиш лозимлиги уқтирилди.

Илмий-тадқиқот ишларининг 2007 йилдаги якунларига назар ташлайдиган бўлсак 50 дан зиёд рисола, кўлланма ва дастурий хужжатлар, 400 дан зиёд илмий-услубий мақолалар чоп этилгани, номзодлик диссертациялари химояси бўйича республика олий ўкув юртлари орасида олдинги каторда борилаётгани, хорижда 18 та мақола ўзлонганинг куонарли ҳолдир.

ЯНГИЛИКЛАР

ЁШЛАРНИ ОГОХЛИККА ЧАҚИРАМИЗ

“УМР-АЛП” киностудияси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфизилик хизмати ва Ички Ишлар Вазирилиги ҳамкорлигига бугунги кунда, нафақат, бизнинг юртимизда балки бутун жаҳон муаммосига айланган ҳалқаро терроризм, диний экстремизм ва гиёхвандликка қарши кураш йўлида ҳалок бўлган ватанимиз ҳимоячиларининг хотириасига бағишилаб суратга олинган “Ҳаёт-мамот” бадиий фильми бугунги кунда институтимиз кино залида намойиш этилмоқда. Бундай фильмларнинг намойиш этилиши ёшларни, айниқса, 2008 йил Республикамиз Президентини томонидан “Ёшлар йили” деб ўзлонганини муносабати билан намойиш этилиши ёшлардаги хушёрикни, огохликни янада оширади.

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбек филологияси факультети Ўзбек тилшунослиги кафедраси 9-апрел куни буюк соҳибири Амир Темур таваллудининг 672 ийлilikiga бағишилаб “Амир Темур тимсоли маънавий қудратимиз рамзи” мавзусида институт талабалар турар жойида тадбир ўтказди. Тадбирда Б. Файзуллаев, Х. Жўраев, А. Абдувалиев, З. Жумаевалар А. Темур ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маъруза қилдилар. Тадбирнинг бадиий кисмida талабалар томонидан

Лекин шу билан бирга олимларимизнинг фундаментал ишларда ҳиссалари камлиги, улар ўз салоҳиятларидан ҳали етарли даражада фойдаланмаётгандиклари, малака ошириб қайтаётган педагог кадрлар ўз билим ва тажрибалирини амалиётга жорий қилиш бўйича етарлича фаолият кўрсатмаётгандиклари танқид қилинди.

Шунингдек, институт молия ҳўжалик фаолиятида, айниқса, бюджетдан ташқари тушумлар борасидаги кечкитириб бўлмайдиган муҳим масалалар ўртага ташланди.

Институт ректори, профессор О. Дўсматов ўз сўзида илмий-тадқиқот ишлари яхши йўлга кўйилган тақдирда илим даргоҳи обруси ошиши мукаррарлигини уқтириди. Институтда илгари тўртта ихтинослик бўйича аспирантура очилган бўлса, эндиликда яна тўртта ихтинослик кўшилганлиги, магистратура мутахассислари сони 11 тага етганлиги, амалиётчи психологияр фаолиятини жонлантириш максадида психология маркази очилиб, шартномалар тузилаётгани куонарли ҳолдир. Ана шу ютуқларимизни янада кўпайтириш учун жамоамиз бир жон бир тан бўлиб меҳнат қилиши, ўзаро хурмат ва ахилликни қарор топтириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланishi даркор, — деди у. Аттестацияни намунали ўтказиш буғунги кун тартибида энг муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлadi.

Йиғилишда “Жиззах Давлат педагогика инститuti ахборотномаси” илмий-услубий журналини чиқаришга тааллукли хужжатларни тезда тайёрлаш ва уни чоп этишини тезлаштириш бўйича институтда ташкил этилган ноширилик-муҳаррирлик бўлими мутасаддиларига тегишили кўрсатмалар берилди.

Илмий кенгашда кафедра мудири, катта ўқитувчи, ўқитувчи, доцент лавозимларига ўзлонганинг танлов натижалари ўзлонганини тайёрлашни тезлаштириш бўйича институтни ташкил этилган ноширилик-муҳаррирлик бўлими мутасаддиларига тегишили кўрсатмалар берилди.

Кенгаш муҳокама қилинган барча масалалар бўйича тегишили қарор қабул қилди.

тайёрланган куй-қўшиклар, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

СПОРТ ФУТБОЛЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ

Институтимизда “Наврӯз умумхалқ байрами” ва “Хотира ва қадрлаш” кунига бағишилаб талабалар ўтасида спортнинг футбол турнири бўйича қизғин мусобақа ўтказилди. Футбол мусобақасига бош ҳакам К. Х. Турсунов, мусобақа котиби Б. А. Султонов, жисмоний тарбия ва маданият факультети мураббиси Ш. М. Норкулов бошчилик қилдилар. Бу ўйинда ўн битта жамоати катнашиди. Бу жамоалар икки қисмга бўлиниб айланда тизимда ўйин олиб бордилар.

Умум хисобда натижага куйидагина бўлди:

Ярим финал учрашувида тарих ва хукук ҳамда математика ва информатика факультетлари жамоалари тўп телишиб, тарих факультети футбольчилари 1:0 хисобида голиб бўлишиди. Жисмоний тарбия ва маданият факультети ҳамда хорижий тиллар факультети ўзаро куч синашиб 1:0 хисобида жисмоний тарбия ва маданият факультети ўшлари голиб чиқдилар.

Финал баҳсларида жисмоний тарбия ва маданият факультети мутлоб голибликни кўлга киритди. Иккинчи ўринни тарих ва хукук факультети ўшлари, учунчи ва тўртинчи ўринларни эса математика ва информатика ҳамда хорижий тиллар факультетларининг спортчилари эгалладилар.

Сироҳ АЛИЕВ

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ФАОЛЛАРИ - ЖИЗЗАХДА

Бугун юртимизда аҳолининг кўп кисмини ёшлар ташкил этади. 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон килиниши ҳам келажакка бўлган эътиборнинг накдар аҳамиятилигидан далолатdir.

Умуман олганда, ёшларга имкониятлардан фойдаланиш учун жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Шу жумладан, яқиндагина ЖДПИ “Маданият саройи”га “Келажак овози” ёшлар ташабbusлари маркази томонидан бир гуруҳ ёшлар ташириф буордилар. Ёшларнинг қанчалик бир-бирларининг фикр-муҳоҳазаларира чанқоқ бўлиб турганлиги, тадбирга киришиб кетганликларида намоён бўлди.

Ёш ташабbusкорлар “Биз бир жамоамиз” шиори остида сафарбар қилинган бўлиб, ўз фаолиятларини кенг қамровда ўтказиб келмокда. Асосий максад чекка жойлардаги яхни туман, шаҳарлардаги ёшларнинг, истеъоддларини аниқлаш ва уларни шакллантириш ёшлар фаоллигини оширишдан иборат. Тадбирда ёшларнинг шиддаткорлиги, қанчалик ҳамжиҳатлиликларини синаш максадида қизикарли ўйинлар ўтказилди. Ҳар хил жойда ўқидиган ёшлар ўз ихтиёрларига кўра бирлашиб 10 та гуруҳга бўлиндилар ва шу тартибида ўз қарашлари, иқтидорларини намоён килдилар. Бу эса, ёшларнинг дўстлик, самимийлик туйғулари билан ўйнлашиб кетганлигидан далолат беради.

Тадбир давомида марказ ҳәётидан лавҳалар намоийиш этилди. “Келажак овози” ёшлар ташабbusкорлари маркази томонидан чоп этилган “Келажак овози” газетаси ёшларга яхшигина кўлланма сифатида тарқатилди.

Ёш ижодкорларнинг “Келажак юлдузлари” номли тўплами ҳам шу ташабbus томонидан чоп этилмоқда. Қўриниб турибиди, “Келажак овози” ташабbusлари йўналишлари кенг қамровидир. Ҳудди шундай семинарларни кўплаб ўтказилиши ёшлар имкониятлари ва фаолликларини ошишида дастури амал бўлади десак, адашмаймиз.

Гулбаҳор Этамбердиева,
Ўзбек филологияси факультети 2-курс талабаси

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

СОҲИБҚИРОНИМ

Улғ. Овропанинг халоскорисан,
Мазлум эзлатларнинг мададкорисан,
Султонлар султони шиддаткорисан
Жасоратда танҳо Соҳибқироним,
Адолатда даҳо Соҳибқироним!

Она—юрт бағрида яшнайди ҳаёт,
Булбуллар тилида янграйди баёт,
Ўзбегинг эъзозлаб у бўди канот,
Юртн обод этган Соҳибқироним,
Халқини шод этган Соҳибқироним!

Ҳасадгўй муртадлар сенга ташланди,
Номинг ўчирломай кўнглиға ғашланди,
Юртн озод кўриб кўзи ёшланди,
Енгилмас кудратли Соҳибқироним,
Хен сўнмас шуҳратли Соҳибқироним!

“Тузулар”инг ўқиб, диллар чароғон,
Ўйтларини баҳтга чорлайди ҳар он,
Номингни шарафлаб ҳайқирад жаҳон,
Мавриғ дарғаси Соҳибқироним,
Донолар доноси Соҳибқироним!
Сиз эккан чечаклар ранг очди яна,
Гулларга бурканди хур Ватан-она,
Истиклол йўлида ҳалқим мардона,
Барқарор орзули Соҳибқироним,
Кўёшдай ёғудли Соҳибқироним!

Мажид ФАРМОН

БУГУНГИ СОНДА-



2-БЕТ

ИЛМЛИ
МИНГ ЯШАР...

3-БЕТ

Ҳикоя
Узилласи шинба

3-БЕТ

БИЗ ТАБИАТНИ АСРАСАК -
ТАБИАТ БИЗНИ АСРАЙДИ

ЎЗБЕГИМ
ҚИЗЛАРИ -
САҲНАДА


4-БЕТ

19 АПРЕЛЬ – ХАЛҚАРО ИЛМ-ФАН КУНИ

ИЛМЛИ МИНГ ЯШАР...

Донони шарманда қилдим-ку, дея,
Фурурга берилмиш мақтанчоқ нодон.
Билмаски, ноғора овози доим.
“Хижоз” куйин босиб кетади осон.
Оқилга паст киши кўргузса жафо
Кўп алам чекмасин бўлиб дилсиё?
Арzon тош синдирса зар косани гар,
Тош нархи ошмайди, пастга тушмас зар.

Саъдий Шерозий



Ўз даврида довруқ қозонган, том маънодаги такомилга эришган, шунингдек, кейинги замонларда ҳам ибратли аҳамият касб этган адабиёт ва санъат асарлари классик асарлар ҳисобланади. Уларнинг ижодкорлари ҳам классик сифатида ардоқланадилар.

Ана шундай классик ижодкорлардан бири, форс-тожик шоири ва мутафаккири Саъдийдир. Саъдий унинг таҳаллуси бўлиб, тўлиқ исми Муслихиддин Абу Мұхаммад Абдуллоҳ ибн Мушрифиддиндир.

У, 1203-йилда Шерозда руҳоний оиласида туғилган, шунинг учун ҳам Шайх Саъдий номи билан ҳам машҳур бўлган.

Саъдий Богдоддаги “Низомия” мадрасасида таҳсил олган. Йигирма йилдан ортиқ саёҳатда бўлиб, кўрган кечириган ва билгандар ҳақида ахлоқий-фалсафий асарлар яратди. Жумладан, 1257-йилда Дамашқда “Бўстон” ва 1258-йилда Шерозда “Гулистон” асарларини ёзди. Насихатомуз ва маънавий-ахлоқий фоялар билан сугорилган бу асарлари ва шеърияти шоирга катта шуҳрат келтирган. Асарда адаб илғор қарашларини умумбашарият орзулари билан ҳамоҳанг ифодалайди.

Саъдийнинг ижтимоий-ахлоқий йўналиши билан ажralиб турган ушбу асарларидан баҳраманд бўлган, шоирнинг услугига тақлид қилган мутафаккирлар кўп бўлган. Бу айниқса форс-тожик адабиётida кучли тус олган. Жумладан, Эронлик Мажид Хавофий (1270-1350) нинг 18-бобдан иборат “Равзати хулд” (“Мангу боғ”) рисоласи, хусусан, ўзига фойибона устоз деб билган Саъдий таъсирида ёзилган.

Шуниси ҳам борки, ҳатто бир қанча давлардан кейин ҳам баъзи ижодкорлар ўтмишда яшаган бирорта классикни қайси мамлакатдан эканлиги, миллати ёки динидан қатъий назар

ўзларига устоз деб билгандар, бундай кишилар ўзлари билмаган ҳолда, беихтиёр унга талпингандар, унинг foяларига эргашганлар, ҳатто ўз фарзанди ва невараларига уларнинг исменини кўйиб унга ҳурмат бажо келтириб тақлид килгандар.

Саъдийнинг гойибона шогирдларидан иккинчиси-франциялик йирик давлат арбоби, математик Лазар Никола Карнодир. Саъдийнинг кишиларни соғдил, ҳалқарвар, мард ва ростгўй бўлишга чақирган “Гулистон” асари 1634-йили француз тилига таржима қилинган. Асардаги теран фалсафий foялардан фойт таъсириланган ва катта таассурот олган Лазар Карно ўзининг тўғич фарзандини Саъдий Шерозий шарафига Сади деб атаган.

Никола Лазар Сади Карно 1766 йили туғилган. У ўн саккиз ёшида Париждаги Политехника мактабини тугатиб, мухандислик қўшинларида хизмат қилиди. Сади Карно 36 йиллик қисқа умри мобайнида битта, аммо фанда абадий қоладиган асар яратди. “Оловнинг ҳаракатланувчи кучи ва шу кучни ошира оладиган машина ҳақида ўйлар” деб аталувчи бу асарини 1824 йилда ўз хисобидан нашр эттириди. Ана шу китобида олим иссиқликдан ҳаракат ҳосил қилиш ҳақидаги масалани ёритади. Мазкур муаммо жуда катта амалий аҳамият касб этарди. Чунки бу даврда мамлакатда саноат гуркираб ривожланган ва иссиқлик двигателлари кенг тарқалган эди.

Ҳозирги кунда ишлатилаётган баъча ичдан ёнар иссиқлик двигателлари ҳам қанчалик хилма-хил бўлмасин, асосий вазифаси битта-ёнилғи ёнишидан ҳосил бўлган иссиқлик энергиясини механик энергия (иш)га айлантириб беришdir.

Тўғич ўғлиниң эрта вафот этгани боис, Лазар Карно ҳатто неварасининг исмени ҳам Сади кўйган эдикни, Шайх Саъдий Шерозийнинг foялари ва руҳи

поклари қўллаб, у Франциянинг буюк сиёсий арбоби даражасига кўтарилади ва 1887 йил Республика Президентлигига сайланади.

Шу ўринда яна бир ажойиб ходисасини эслаб ўтишга эҳтиёж туғилади. Ўзбекистон Республикасининг марказий кутубхонасида энергия олишида Карно циклининг амалий жиҳатлари бўйича 2005 йилда химоя қилинган докторлик диссертацияси сақланмоқда. Буларни айтишдан мақсад, Шарқ адабиёти классикларидан бўлган форс-тожик шоири, мутафаккири Шайх Саъдий Шерозийнинг номи, гарчи у XIII асрда яшаб ижод этган бўлса-да, орадан беш асрдан кўпроқ вақт ўтгач француз буюк олими ва сиёсий арбоби номида ўз аксини топиб, яна бир карра жаҳонга танилгани, 800 йилдан кейин Республикамиздаги олимлар ишларида унинг гойибона шогирди foяларининг татбиқ этилишини эслатиб кўйиш билан, жамики нарсалар ичидаги энг мураккаби ҳамда мукаммали, замонлар ўтса ҳам бақоли, маконлар алмашинса ҳам саботлиси факат билим эканлиги “Илмли минг яшар-илмиз” бир яшар” деган ҳикматнинг нақадар теран моҳиятига эътиборни қаратиш эди.

Агар юкоридаги маълумотлар дафтарлар муковаси (4 та саҳифа назарда тутилмоқда)даги ҳозирги ахлоқизлика ундовчи баъзи суратлар ўрнига бериб борилса, ўқувчиларда ўз даврида довруқ қозонган, том маънодаги такомилга эришган илм-фан, адабиёт ва санъат намоёндалари номи, улар асарларининг инсоният тарихида мангу қолиши ҳамда ардоқланишига қатъий ишонч туғдиради.

Хўжамберди TOFAEV,
Мехнат таълими ўқитиши
услибиёти кафедраси катта
ўқитувчиси.

МУХОКАМА УЧУН МАВЗУ

МАДАНИЯТИМИЗГА ЁТ ОДАТЛАР

Она замин яралибди уни ўтмиши ва келажаги инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқ ўз ўтмишига эга. Шундай экан, инсоният ҳаётига бир назар ташлайлик.

Одам Атонинг авлодлари, биз хазрати инсон, ўз ўтмишимиз ва ота болалимизни тутган ўрни, урф-одатлари ва диний таомилларининг давомчисимиз, ҳар бир миллат ва элат ўз урф-одатлари, дининг эга. Лекин бугунги кунга келиб урф-одатларимизга, динимизга “бир ўз янгилик киритаётган” тенгдошларимизни кўриб ҳайрон қоласан киши. Бунинг исботини ёшларимизнинг кийиниши, юриш-туриши, сўзлашувидан ҳам билимиз. Тўйнинг, марака, байрам, меҳмондорчиликларни ташкил қилишда “Мен сендан камми?” иборасига таяниб урф-одатларимизга зид равиша зиёфатлар сони кўпаймоқда.

Урф-одатимиз ва маданиятилизда гаплашув нутқи ҳам мұхим рол ўйнайди. Бугунги кунга келиб баъзи бирорлар забонидаги сўзлашувлар ярми ўзбекча ярми русча, яна бир қисми эса тожик шевасига уланиб соғ она тилемиз булғанмоқда. Шундай гўзал тилемиз ўз кадр-қимматини йўқотмоқда. Бунга магазин, бозор ёки жамоат транспортидаги мулокотларда гувоҳ бўласиз. Оддий плакатлар, эълонларнинг ҳам кўпчилиги рус тилида битилмоқда. “Куш уясида кўрганини қиласи” деганларидек, ёшларимиз ҳам каттадан ўrnak олиб, сўзлашуви, маданияти кундан кунга тусланиб боряпти. Кийим-кечак танлаш ва кийиниша қизларга ҳеч қандай йигит тенг келаомайди. Негаки ҳозирда қизларимиз мини юпка, беўхшов шимлар, ярми очик футболка, турли жойидан йирилган этаксиз кўйлакларни мода сифатида кийишмоқда. ҳар ким топганини кияди, деганларидек, қизларимиз ҳам топганини кийим деб устига илаляти. Лекин, оддий шимни оладиган бўлсак, ўғил болалар учун яратилган либос хисобланади, аммо қизларимиз йигитлардан ҳам ўтиб кетди, яъни йигитлардан кам эмаслигини исботлашмоқда. Мини юпка ва футболька, умуман, ўзбек қизларига номуносиб кийим-ку. Бунга мисол юпка ва ярим бели очик майка кийган кизни кўз олдимишга келтирайлик. Бир тарафдан ўзига ва баъзи бир шўх йигитларга чиройли қўриниши мумкинтир, лекин четдан карасангиз милоддан аввали асрларнинг ҳақиқий ҳинду қизларига айланади, колади. Мен қизларимизни танқид қильмоқчи эмасман, лекин баъзи бирорлар шарм-хаёдеган нарсани миясига сингдириш керак, холос. Ўзбек қизларининг гўзлалиги, оқиалиги, барча хислатлари шарм-хаёда мужассам, лекин бугунги кунда бундай қизлар камдан-кам учрамоқда. Институтимиз талабалари – бўлажак тарбиячилар орасида бундайлар учрагани янада ачинарили.

Бу гаплардан йигитларимиз бир оз хўрсинаётган бўлса янгишиади. Негаки ўзлари ҳам қизлардан қолишмаяпти. Бугунги кунда кўп йигитларимиз бодилик килиб яъни улар тилида “крутой” бўлиш орзусида ҳақиқий масхарабозга айланаб келишмоқда. Масалан, бўйнида занжир, кўлида занжир, худди хайвонот бодиган кочган айикка ўхшайди. Эгнида канакадир вахший маҳлукнинг сурати тамғаланган майка, шим эса ҳар жойидан ямокланган жинси марқали кирк ямок мато, оёқда эса масхарабозларни учи кайтган калиши ёки туғлига карасангиз жуда ғалати кўринаркан. Уни сўзлашувини оладиган бўлсак, гапирган гапида на маъно бор на мазмун, ёнидаги сухбатиши ҳам тушунмайди.

Бундай ёшлар институтимиз талабалари орасида ҳам борлиги биз-бўлажак педагоглар учун номуносибdir. Бизнинг маданиятилиз, қадриятларимизга ёт бўлган бундай иллатлардан тезроқ ҳалос бўлайлик, миллатимиз, бой маданий меросимиз, мукаддас урф-одатларимизни унтумайлик, аксинча уни авайлаб-асраб, келажак авлодга ҳам бекаму-кўст етказиши ўйлайлик.

Бекзод Каримов,
Ўзбек филологияси факультети
1-боскич талабаси

АБДУЛЛА КОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

КОДИРИЙ ҲАҚИДА СЎЗ

“Дунёда бешта; яъни: француз, рус, инглиз, немис ва хинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди олтинчисини, яъни ўзбек романчилик мактабини. Абдулла Кодирий яратиб берди”.

Е. Э. Бертельс

“Абдулла Кодирий (Жулкунбой) юксак романлар яратди. Унинг романлари – 20-йилларда гўё текис саҳрода тўсатдан “Помир” төғлари вужудга келгандай пайдо бўлди. Кодирий асарларини Курмонғози ёки Чайковский кўйларини тинглагандай дам олиб, мириқиб, гашт қилиб ўқийсан киши...”


Мухтор Авезов

“Абдулла Кодирий бугунги кунда ўз мамлакатида ҳам, чет элларда ҳам жуда кучли қизиқиши ўйғотган Ўрта Осиё адабиётининг ўша йиллардаги тўлқинли тараққиёти бошида турган эди”.

Ниота Тун-немис олими

“Абдулла Кодирий ўзбек адабиётига худди момақалдироқдек кириб келди ва худди чақмоқдек ҳамманинг дикқатини ўзига жалб этди. ...Кодирийнинг ўзбек адабиётига кўшган энг катта хиссаси у ўзбек халқи тарихида биринчи бўлиб реалистик роман жанрини майдонга келтирди ва шу билан Ўзбекистонда реалистик прозага асос солди.”

Иzzat Султон –академик



“Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли, дейдилар. Шунга кўра мавзуни мозидан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги “хон замонлари”дан белгиладим.

Абдулла Кодирий

СҮНГГИ ПУШАЙМОН - ЎЗИНГГА ДУШМАН

Бу фоний дунёда кимга ишонишингни билмайсан. Дўстман дегани ҳам сенга соати келиб ўша чохга тушуб кетганингда кўлингдан тортиш ўрнига кўйиб юборар экан.

Келинг сизларга бир кизнинг бошидан ўтган аламли, дардли воқеани сўзлаб берад.

Мен ёш бўлишимга қарамасдан жуда кўп кинчилкларни бошимдан кечирдим — дейди у. 14 ёшимда дадажонимдан ажралдим. Шундан сўнг бутун оғирлик аяжоним зиммасига тушди. У киши ҳам ота ҳам она бўлишга ҳаракат қилдилар. Кизим хеч кимдан кам бўлмасин деб мени яхши ичириб, яхши кийдирдилар. Ҳамма менга ҳавас билан қарари. Корним тўк, устим бут бўлиб, айрим ота онаси бор қизлардан яхши кийнап эдим. Биласизми, инсон ҳамма вақт ҳам шу нарсанинг қадрига етмас экан.

Оижоним ҳар сафар уйга борганимда қўлимга керагидан 3-4 баробар кўп пул бериб юборадилар. Ана шунда ўзимни дугоналаримдан устун қўядим. Аслида гап пулда эмас экан. Оижоним "Кизимнинг кўнгли ўксимасин, хеч кимдан кам бўлмасин", — деб кўрсатган меҳр-муруватини билмадим, аникроғи ишончларини оқлай олмадим. Орзу-ҳавасга берилиб нима қилаётганинни билмадим.

Шохона дастурхонлардаги машшатлар, ҳар хил кечалардаги ҳангомалар мени ўз гирдобига тортиб қўйанди.

Бир куни Сарвар исмли йигит билан танишиб қолдим. Биз ака-сингил тутундик. Сарвар акамнинг оиласи борлигини билдим. Шунда ҳам унга бўлган муносабатим ўзгармади. Ҳаётда ҳақиқий акамни топгандай бўлган-

дим. Бирор бир иш қилмоқчи бўлсан албатта Сарвар акамдам сўрардим. Хуллас, у киши энг яхши маслаҳатдошимга айланаб колганди.

Оижонимга Сарвар акам ҳақида айтсан албатта мени койирдилар.

Одатда хеч бир она фарзандим ёмон бўлсин демайди. Лекин биз фар-

ОДОБ-АХЛОҚ МАВЗУСИДА

зандлар буни вақтида англаб етмаймиз, аникроғи, тўғри тушунмаймиз. Оналаримиз берган танбехдан хушёр тортмаймиз, аксинча, ўзимиз билганимиздан қолмаймиз. Хуллас, бу гапларни ойижонимга айтмадим.

Бир куни Сарвар акам дабдурустдан сўз бошлаб қолди.

Мадина, биласанми, сен менинг оиласи бузмоқчисан. Хотиним билан ўртамизга совуқчилик тушириб, оиласи барбод қилмокчи бўлдинг. Лекин унди қилмайсан. Мен сени шундай холга ташлаб кетаманки, мен билан юрганинга пушаймон бўлиб, тавон тўлашингга тўғри келади. Борди-ю, тавон тўламасанг, сен ҳақингда "менинг оиласи бузмоқчи бўлди, оиласи борлигини била туруб ўз холимга кўймаяпти", — деб гап-сўз қиқараман. Бу гаплардан кейин сени ўкишдан ҳайдашади.

Даставвал "Сарвар акам ҳазиллашаштилар", — деб ўйладим. Аммо адашган скамман... У гапида давом этди:

"Мен сиз билан юрасдим-ку, фақат қиёматли ака-сингилмиз" дерсан. Ўзинг ўйлаб кўр, умуман таниш бўлмаган, бутунлай бегона одам қандай қилиб сенга ака бўлади? Бунинг устига оиласи бор. Одам-

лар хеч қачон муносабатимиз тўғри қабул қилишмайди. Мадина, сени деб оиласи бузилишини хоҳламайман.

Хайрлашаётib айтилган беш юз минг сўм пулни дўсти Жамшиддан берди юборишими тайинлари.

Менинг ўша пайтдаги ахволимни тасаввур қиласизми, дугонажон? Мен адой тамом бўлдим. Додимни кимга айттай? Ким менга чўнтағидан пул чиқариб беради? Бу гапларни ойижонимга айтади. Ҳамма менга ҳавас билан қарари. Корним тўк, устим бут бўлиб, айрим ота онаси бор қизлардан яхши кийнап эдим. Биласизми, инсон ҳамма вақт ҳам шу нарсанинг қадрига етмас экан.

Оижоним ҳар сафар уйга борганимда қўлимга керагидан 3-4 баробар кўп пул бериб юборадилар. Ана шунда ўзимни дугоналаримдан устун қўядим. Аслида гап пулда эмас экан. Оижоним "Кизимнинг кўнгли ўксимасин, хеч кимдан кам бўлмасин", — деб кўрсатган меҳр-муруватини билмадим, аникроғи ишончларини оқлай олмадим. Орзу-ҳавасга берилиб нима қилаётганинни билмадим.

Шохона дастурхонлардаги машшатлар, ҳар хил кечалардаги ҳангомалар мени ўз гирдобига тортиб қўйанди.

Бир куни Сарвар исмли йигит билан танишиб қолдим. Биз ака-сингил тутундик. Сарвар акамнинг оиласи борлигини билдим. Шунда ҳам унга бўлган муносабатим ўзгармади. Ҳаётда ҳақиқий акамни топгандай бўлган-

дим. Бирор бир иш қилмоқчи бўлсан албатта Сарвар акамдам сўрардим. Хуллас, у киши энг яхши маслаҳатдошимга айланаб колганди.

Одатда хеч бир она фарзандим ёмон бўлсин демайди. Лекин биз фар-

зандлар буни вақтида англаб етмаймиз, аникроғи, тўғри тушунмаймиз. Оналаримиз берган танбехдан хушёр тортмаймиз, аксинча, ўзимиз билганимиздан қолмаймиз. Хуллас, бу гапларни ойижонимга айтмадим.

— Мадина, мен айтган нарсани тайёр қилдинми? Ёки ўкиш жойингга борайми? Шунинг учун индамай айтган пулни бер. Кўз ёши қилиб юрма, бари бефойда. Кейин телефон тўшагини хотини олди.

— Ҳой, мегажин, менга қара, сен эримни ўзингга қаратиб оиласи бузмоқчи бўлдинг-а?. Вақтида сезиб қолдим. Эрим айтган пулни бермасликини ҳаёлингга келтирма. Акс холда ўзингга ёмон бўлади.

— Сиз ҳам аёл, она бўла туриб нега мени тушунмаймисиз? Агар эрингиз билан ёмон ниятда юрган бўлсан...

— Пулни бермасанг ўзингдан кўр.

Кимдан ёрдам сўрашни ҳам билмайман.

Шундай пасткаш таъмагир, оиласини шу йўл билан боқадиган эрқаклар жазосини Оллоҳим берсин" деб юм-юм йигладим.

Килган ишимга минг бор пушаймонлар қилдим.

**Муслима Суюнова,
Педагогика
факультети 2 –
босқич талабаси**

Маҳалламизга узоқ бир қариндошимиз кўчиб қелди. Ҳам қариндошлиқ, ҳам дадамнинг ўртоқлари бўлгани учун оиласи аввалдан "борди-келди" килар эди. Уларнинг Комил исмли ўлий мэндан бир ёш катта эди. Аввалдан таниганим учунми, у билан тезда дўстлашиб кетдик.

Бир куни Ниуфар бизникидагида Комил келиб қолди. Уларни танишириб кўдим. Тезда тил топишиб кетишиди. Бундан хурсанд бўлдим. Дўстларим ҳам дўстлашса, қандай яхши.

Комиллар оиласида ҳаммаси ўғил бўлгани учун, уларникига тез-тез бориб ўйумшларига қарашиб турардим. Гоҳида Ниуфар билан бирга бориб қолардик. Шундай пайтларда Комил билан уларнинг сухбати шу қадар чўзилиб кетардик, гоҳо мени ёддан чиқариб кўйашди.

Бир куни дугонам "Мен Комилни ёқтириб қолдим" деса бўладими. Нима дейиши билмай ҳайрон қолдим. Чунки Ниуфарнинг орқасидан юрадиган йигитлар кўп эди. Лекин дугонам уларга қиё ҳам бўқасмади.

— Ўзим ҳам билмай қолдим, уни қандай яхши кўриб қолганимни -деди.

— У-чи? — дедим.

— Билмайман, мени ёқтирадими ёки севган қизи борми.

Ўйлаб қарасам, бунинг ҳеч қандай ёмон жойи ўқ экан. Ниуфар чиройли, ақлини қиз. Комилдай йигит унга муносиб. Агар иккисининг бахт кўёши бир бўлса ажаб эмас.

Шундан кейин уларнинг учрашуви ўшитирадиган бўлдим. Комил ҳам унга бефарқ эмаслигидан хурсанд эдим. Мен дугонам учун шу баҳти, шу муҳаббатни тирадим.

Орадан анча вақт ўтди. Дугонам Комилга шу қадар боягланиб қолган эдик, ҳатто мен ҳам унинг кейинги ҳаётини Комилсиз тасаввур кила олмас эдим.

Бир куни холам "Энди Комилга келин топишимиз керак" — деб қолди. Шунда мен Комил ва Ниуфар қиссаниси айтдим ва дугонами мақтаби бошладим. Лекин у киши ҳеч нима демадилар. Энди Комилдан совчилар боришини кута бошладик. Аммо бир куни онам уларникинг қариндошимизнига совчиллик боришигани айтби қолдилар. Бу гапни ўшитиб, Комилларникига қандай етиб борганимни билмай қолдим. Ундан буни сира кутмагандим. Бироқ Комилдан нимага бундай бўлганини сўрадим.

— Ўйдагилар шундай қилишди — деди совуқчина. Унинг бу муомаласидан ҳайратим ўн даражада ошиди.

— Ахир Ниуфар-чи? Ўртадаги севги қайда қолдил? Ўйдагиларни кўндиринг, севасиз-ку ахир уни! — дедим.

— Билмадим. Сен менга тўғрисини айт, фақат. Унинг мэндан ҳам олдин йигити бордими? Нима дейиши билмай, довдирраб қолдим. Тўғриси, мактабни битираётган илимиз Анивр исмли ўйиги Ниуфарни ёқтириб юради. Улар бир мунча вақт гаплашиб юришиди. Лекин бу шунчаки ёшликинг бир

үйини эди. Улар ўртасидаги муҳаббат кучли эмас эди. Анивр хизмат бурчини ўташ учун кетаётганда иккалasi қаттиқ жанжаллашиб қолишиди. Шу-шу ўрталари бузилиб, Анивр келгандан сўнг Ниуфар у билан қайтиб гаплашибди.

Комилга агар ростини айтсан, ҳаммасини барбод қиласан-ку. Шунинг учун унга ёғон гапиришга мажбур бўлдим. "У фақат сизни сизди" дедим.

— Севгисига шубҳам бор. У ҳақида баъзи гаплар эшитдим. Мени нега алдаяспан, — деди.

Комилнинг бу гапларидан шу қадар аччиким чиқиб кетди-ки, энди у билан бир оғиз ҳам гаплашишга тоқат қилолмай кетиб қолди.

Нима қилишга ҳайрон эдим. Комилнинг ўзгариб қолганлигига аклим етмас эди. Ноилож онасининг олдига боришига мажбур бўлдим. Холам ҳам Ниуфар ҳақида шундай гапларни айтди-ки, оғизим очилиб қолди.

Дуғонам - ни қанчалик оқламай, аммо чорасиз эдим.

"Мен уни ба-рибир келин кильмайман, у бизнинг оиласига муносиб эмас" деди қаттий.

Ниуфарнинг бу оиласида шунчалик қадрсизланганига чидай олмадим. Уйга келибоқ йиглаб юбордим. Кўз олдимга фақат Ниуфар келарди. У ҳақда шундай гапларни ўшитирадиган бўлдим. Холам ҳам Ниуфар ҳақида шундай гапларни айтди-ки, энди ҳам унинг тубсиз жар ёқасига ётаклаб келган эканман. Унга баҳти эмас, бир дардни рўборо килган эканман. Унга шу азобларни раво кўрдими хали?

Бу гапларни унга айтсан адо-и тамом бўлади-ку. Ҳаммасини мен бошлаган эдим, энди қандай чора топаман.

Бахтимга ўша пайти Ниуфарга яхши жойдан совчилар келаётган эди. Ота-онаси боришига рози, лекин у оёқ тираб турган эди.

Унга ростини айтольмасдим. Лекин Комилдан совутиш учун ёғон баҳона ўйлаб топдим. "Комил оғир касал экан, даволаниши қийин деб ўшитидим. Шунинг учун яхшилаб йўлаб, ўз баҳони унашитиришди. Шундан кейин бирор юздан ўшитиришди. Бир томондан Комил билан унинг онасига дугонамнинг ўри қанчалик юкорида эканлигини кўрсатиб кўйганлигидан хурсанд эдим. Тўй тарафуди бошланиб кетди. Ниуфар у билан қайтиб кўришибди. У ўзини Комилнинг олдида айтбдор хисоблаб, учрашиб қолишидан кўришиб юради. Комил эса, "Ўша гапларим учун шундай қилинг" деб ўзини айларди. Гоҳо Ниуфар "тўғри қиласизмани, йўқми, ҳалиям билмайман, аммо кўнглим Комилда" дерди. Шундай пайтларда уни қандай ишонтириши ҳам билмай қолардим.

Давоми 4-бетда

ЭКОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

БИЗ ТАБИАТНИ АСРАСАК - ТАБИАТ БИЗНИ АСРАЙДИ

Зомин давлат кўриқхонаси ноёб табииятни арчазорларни ва арчазорлардаги ҳайвонотни дунёни ўзининг табиият холда сакланишини таъминлашмақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ комиссарлари ва Марказий Ихроияниятни кенгашининг 5 июня 1994 йилги қарорига асосан кўриқхона Самарқанд вилоятининг Жиззах районига қарашли Зомин Ўрмон даваси базасидан Фуралашой дарёси Зомин Ўрмон даваси базасидан бўлған ўзига олади. Ҳудуднинг жанубий тадбирларини кучайтириш ҳақидаги карори яхши м

Шеърйят гулшани

Фаслар дилбари - ўзингсан баҳор...

Мангу табиатнинг мангу саломи,
Нафис туйгуларга ўзингсан пойдор.
Оlam гўзалигин сенсан каломи,
Хеч хикмат кўрмадим сен каби, Баҳор.
Азалий халқадир: баҳор, ёз, куз, қиши,
Улар ичра ўзинг олий хукмдор.
Сенинг измингдадир асрий жонланиш,
Хеч даъват кўрмадим сен каби, Баҳор.
Дилларга берувчи ҳаётбаш илҳом,
Замирингда борин этмасман инкор.
Сенга сигинурман шу боис мудом,
Хеч кудрат кўрмадим сен каби, Баҳор.
Оlam манзараси гўзалик бўлиб,
Турфа ўзгаришда боқар улуғвор.
Табиат расмида мўъжиза тўлиқ,
Хеч сурат кўрмадим сен каби, Баҳор.
Борлиқ бағридаги, эй, сирли хикмат,
Пинҳон сенда чексиз севги афсункор.

Висол ҳижронинг йўқ эрур адад.
Хеч сийрат кўрмадим сен каби, Баҳор.
Севги ҳожилари сенда абадий,
Юрак каъбасига сифинар тақрор.
Гулларинг висоллар рамзи жаннатий,
Хеч санъат кўрмадим сен каби, Баҳор.
Ўзингсан дилга ишқ чизган заргарим,
Ўзингсан Ёронгул менга нахоткор.
Дил факат талпинар сенга Дилбарим,
Мухаббат кўрмадим сен каби, Баҳор.
Лутфинг бебаҳодир фаслар аро,
Тотдим сенда висол лаззатин илк бор.
Қалб туйди жаннатнинг сурурин гўё,
Хеч неъмат кўрмадим сен каби, Баҳор.
Истиқлол гулларин тотли ифори,
Қалбларни яйратди ўн еттинчи бор.
Қадаминг муборак фаслар нори,
Хеч хилқат кўрмадим сен каби, Баҳор.
Хўжамберди TOFAEV

СОҒЛОМ ОИЛА - СОҒЛОМ АВЛОД

2008 йил 8-апрел куни институтнинг мажлислар залиди А. Кодирий номли ЖДПИ хотин-қизлар қўмитаси, педагогика ва БТУ факультети хотин-қизлар қўмитаси жамоаси ҳамда шаҳар акушерлик комплекси ходимлари билан ҳамкорликда "Ёшлар йили"га бағишлиланган "Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ривожлантириш" мавзусидаги тадбир ўтказилди. Тадбирда институт маънавий-маърифий ишлар проректори, доц. А. Тангиров,

институт хотин-қизлар қўмитаси раиси З. Узокова, педагогика ва БТУ факультети хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Истроилова ҳамда шаҳар акушерлик комплекси рахబари Д. М. Рашидова иштирок этди ва маъруза киддилар.

Тадбирда репродуктив саломатлик маркази ходимлари билан савол-жавоблар бўлди.

Г. АҲМЕДОВА

ЎЗБЕГИМ ҚИЗЛАРИ — САҲНАДА

Институт хотин-қизлар Қўмитаси, маънавият ва маърифат бўлими, хорижий тиллар факультети хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Ёшлар йилига бағишилаб, "Ўзбеким қизлари" кўрик-танловини ўтказиши.

Танловни институт ўкув ишлари проректори Б. Мамажонов кириш сўзи билан очди. Факультет декани, доц. А. Нурмонов ҳамда факультет хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Равшановалар кўрик-танлов шартлари билан танишириди ва қатнашчиларга омадлар тилади.

Танловни ҳакамлар ҳайъати одилона баҳолаб берди. Институт маънавий-маърифий ишлар проректори А. Тангиров ва ота-оналар кенгаши аъзоларидан иборат ҳайъат аъзолари қизлар чиқишини холисона баҳоладилар. Голибларга эсадалик совғалари топширилди.

З. УЗОКОВА,

Институт хотин-қизлар Қўмитаси раиси



Институтимиз олимлари Тошкентдаги олий ўкув юртлари олимлари билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаб боришмоқда.

Суратда: Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети «Хозирги ўзбек адабий тили» кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Махмудов институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари хузурида.

Хикоя Узиллас ғишиға

Бошланиши 3-бетда

Тўй куни ҳам келди. Кун бўйи дугонамнинг тайёргарлигидан бўшамадим. Коронгу туша бошлагач кийимларимни алмаштириш учун уйга келдим. Келсан ойим "хозиргина Комил сени сўраб келганди" деб қолди. Бирдан кўнглимга гулгула тушди. "Нима демоқчи бўлган экан. Яна бугун". Қизлар базми бошландай деб колганди. Шошгичча кетдим. Аммо ҳаёлимдаги ўйлар билан овора эдим. Ховотирга туша бошладим. Тўйхонага якин қоғланимда кимдир чакирди. Угирилиб қарасам ўйларни тегида Комил турибди. Олдимга келди. Ўзи маст ахводла.

— Нима қилиб юрибисиз? — дедим.

— Нулифарникига бормоқчиман — деди.

— Нега?

Уни севишимни айтмоқчиман. Ундан кечирим сўрамоқчиман.

Бу гапни эшишиб бутунлай капалагим учиб кетди. Шу ахводла у ерга борса-я. Ҳаммасини тамом қиласди-ку: "Илтимос, уйингизга боринг" дедим. У бўлса бир гапга ёпишиб олганди. Унга севишимни, уйланмоқчи бўлганимни айтишим керак" дерди тинмай. Нима дейишига ҳайрон эдим. Хозир у Нулифарнинг олдига боришидан тал тортмасди. Ялиндим, ёлвордим, аммо уни ниятидан қайтара олмасдим. Бирорта баҳона ўйлаб, уни бу ердан олиб кетишим керак эди. Агар хозир арзимаган бир ҳатога ўйлар кўйсам дугонамнинг хаёти остин-устин бўлиб кетиши хеч гап эмасди. "Нулифар нима учун шундай қилганини ўзим айтаман. Аввал уйга борайлик" деб ўйларига базур олиб қолдим. Аммо ўйларидан хеч ким йўқ экан уни қандай тинчлантириши билмасдим. Бирдан у йиглаб ўборса бўладими. Йигит кишининг йиглашини биринчи кўришим эди. Кўнглим эзилиб кетди уни шу ҳолатда ташлаб кета олмадим.

Комил эса ҳануз ўзини айлаб, бор дардини тўкиб соларди. "Ҳаммасига гурурим айбдор. Уша йигитнинг гапларига ишондим. Кўзимга хеч нарса куринмай қолди", деганича ич-этини ерди. Уша йигитда кийин ахводла эдим. Комилнинг бунчалик эзилиб кеттанига чидолмадим. Шундай деганим яхшироқ, деб ўйлагандим. Шунинг учун ҳам ҳаммасини айтдим.

Мен сизни ўшандা алдагандим. Ҳақиқатдан, Нилюфарнинг яхши кўрган йигити бор эди. — дедим. Бу гапларни факат уни Нилюфардан совутиш учун айтиша мажбур бўлдим.

У сизни қаттиқ севмас эди. Ота-онаси рози бўлишгач у хеч нарса дея олмади. У йигитга тегишига кўнди. Ҳамасини унитишига қарор қилди. Кўйинг энди баҳтили бўлсин — дедим.

У гапларимни эшифтгач анча вақтгача ўйга толди. Бир вақт яна ўрнидан туриб "Нилюфарни табриклаб кетмокчиман" деб қолди. Яна ҳам қийналиб кетдим. Уни ҳар хил баҳоналар билан зўрга фикридан қайтардим.

Ўша куни дугонамнинг баҳти бузилмаслиги учун кўлимдан келганини қилдим. Ярим кечаси Комилни ҳар хил ёғлон-яшик гаплар билан олиб ўтиридим. Мастилига таъсириданни бир вақт ухлаб қолди. Кейин уйга қайтиб кетдим.

Эртасига Нилюфар олдида ўзимни қандай оқлашими билмай қолдим. Лекин сабабини айтмадим. Яни Комил ҳақида гапириб уни ярасини оғлиламай дедим.

Тўй жуда яхши ўтди. Дугонам баҳти бир хонадоннинг келини бўлиб, ўз иззат-хурматини топиб кетди. Орадан кўп вақт ўтмай мени ҳам унташириди. Фотиха тўйига яқин Нилюфарни қўриб келдим. У ҳам жуда хурсанд бўлди. Боришига вайда берди.

Лекин ўша куни у келмади. Дугоналарим унинг уйига келётганинг кўришган экан. Шунинг учун унинг келишига ишониб анча пайтгача уни кутдим, афсус келмади.

Орадан кунлар ўтди. Аммо кутулмаганда бошим деворга урилди. Куда тамон түйни бекор килишибди. Ҳатто сабабини ҳам айтишибди. Бутун оиласиз оғир ахводда қолдик. Айниска мен бу ҳабардан ўзимни йўқотаётдим. Махаллада бош кутириб юролмай қолдим. Тақдиринг бу ачиқ синовига бардош беришга куч топа олмасдим.

Ўзимни қандай овутиши билмай юрган бир вақтда Нилюфар келиб қолди. Уни кўриб дардимга даво топгандек хурсанд бўлиб кетдим. Елиз угина менга юпанч бўла оларди. Унга бор аламинни тўкиб солмоқчи эдим. Аммо у менинг холимга безътибор эди. Шундай гаплар айтишибди.

Топталган қадиминга, ерга урилган шаънимга йиғларидем. Менинг қалбини вайрон қилган фотихам бузилгани эмас, қадрдан дугонамни йўқотгани эди. Унинг тұхмат тошлари шу қадар оғир эдик, менинг бегуноҳ юрагим уни кутаришга охизлил киларди.

Топталган қадиминга, ерга урилган шаънимга йиғларидем. Менинг тұшунмаганларига, дилимга тиғ санчыб азоблаганига чидомасдим.

Вақт ҳаммасини даволайди деганлари рост экан. Ҳар бир кишининг пешонасига ёзилган баҳти ва тахти бўлар экан.

Жамила Абдумирзабек қизи

«ДИЕЗ» ЧАЙНВОРДИ

Хар бир катакка

3

5

биттадан ҳарфни

шундай

жойлаштиринги,

ҳам горизонтал

ҳам вертикал

йўналишда

ўқиганда

мусиқа

терминлари

чиқсан.

ГОРИЗОНТАЛ

1. Энг катта

дамли чолку

асбоби.

2. Ладлардан

бири.

ВЕРТИКАЛ

3. Ички

товушнинг

оралиғи

кўплиқда.

4. Зарб.

5. Тўлиқсиз тант.

6. Эркакларнинг энг баланд

озови.

7. Кўп қисмли мусиқали

асарлар жанрларидан бири.

Р. Ҳалимов,

Мусиқа таълими кафедраси

катта ўқитувчisi.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ёш мұхбирлар, талабалар ва ёш ижодкорлар ҳамда профессор-ўқитувчилар!

"Зиё чашмаси" газетаси бундан бўён мунтазам чиқарилади. Институтимиз ҳаётин-қизлар қўмитаси билан боғлиқ янгилик, хат-хабарларларизни қўйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Институт биноси "Ўзбек филологияси" факультети, 3-кват 330-хона. "Зиё чашмаси" таҳририяти.